ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

ЖАЛИЛОВ МЎМИНЖОН СОЛИЖОН ЎҒЛИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ НАЗАРИЯСИ: ГЕНЕЗИСИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юридик фанлар)

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

УЎК: 343.35.01-043.86(575.1)

Қўлёзма ҳуқуқида

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Жалилов Мўминжон Солижон ўғли
Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш назарияси: генезиси ва ривожланиш истиқболлари 5

Джалилов Муминжон Солижон угли
Теория противодействия коррупции в Республике Узбекистан: генезис и перспективы развития..... 28

Jalilov Muminjon Solijon ugli
Theory of Combating Corruption in the Republic of Uzbekistan: Genesis and Development Prospects..... 52

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 58

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

ЖАЛИЛОВ МЎМИНЖОН СОЛИЖОН ЎҒЛИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ НАЗАРИЯСИ: ГЕНЕЗИСИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юридик фанлар)

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.1.PhD/Yu997 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Аминжонова Матлуба Ахмедовна** юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ахроров Бахром Жаббарович** юридик фанлар доктори, профессор
	Маманов Сардор Собир ўғли юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 01 декабрь куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (113-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2026 йил 18 ноябрь куни тарқатилди.
(2026 йил 18 ноябрдаги 32-рақамли реестр баённомаси).

В.Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Г.М.Шодиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда коррупциянинг моҳияти, унинг пайдо бўлиш сабаблари, шаклланиш жараёни, эволюцияси ва тизимли равишда қайта ишлаб чиқилиши, унинг турли кўринишларининг ҳар томонлама таҳлил қилиниши муҳим илмий масала ҳисобланади. Шуниси аниқки, коррупциянинг жамият ҳаётидаги намоён бўлиши қонунларнинг қадри ва таъсирини пасайтиради, фуқароларнинг давлат ва ҳуқуқий институтларга бўлган ишончини сўндириб, жамиятда ижтимоий адолатсизлик туйғусини кучайтиради. Бу эса умумий бойликларнинг муайян гуруҳлар манфаатига қайта тақсимланишига олиб келади ва, бизнингча, жамият аъзолари онгида “иккиёқлама стандартлар” ёки когнитив диссонанс шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. БМТ Бош котибининг 2018 йил 9 декабрдаги баёнотига кўра, коррупциянинг дунё миқёсидаги йиллик зарари 3,6 триллион АҚШ долларини ташкил қилиши унга қарши курашишга комплекс ёндашув талаб этилишини кўрсатади[1]. Бу эса коррупцияга қарши курашиш соҳасида кенг қамровли тадқиқотлар ўтказиш долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Жаҳонда коррупцияга қарши курашиш назарияси ва амалиётини ўрганиш замонавий давлат бошқаруви, ҳуқуқий ислоҳотлар ва жамият тараққиётининг ажралмас қисми сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу назария мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларидан шахсий манфаат йўлида фойдаланишига қарши курашга қаратилган ҳуқуқий, институционал ва маънавий механизмларни ўрганишни назарда тутади. Замонавий глобаллашув шароитида коррупция нафақат миллий давлатлар учун, балки халқаро ҳамжамият учун ҳам жиддий таҳдид ҳисобланади. Коррупцияга қарши курашиш назарияси ҳам янгиланиб, замонавий тенденцияларга уйғун тарзда ривожланмоқда.

Ўзбекистонда мустақилликдан кейин коррупцияга қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, қатор ҳуқуқий ва институционал ислоҳотлар амалга оширилди. Коррупция – бу давлат бошқаруви ва жамият ривожланишини издан чиқарадиган энг оғир ижтимоий иллатлардан бири ҳисобланади. Унинг илдизлари инсоннинг шахсий манфаат ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш каби салбий хислатлари билан узвий боғланган. Бугунги глобаллашув жараёнида коррупция нафақат маҳаллий, балки трансмиллий даражада таҳдид солаётган муаммо сифатида намоён бўлмоқда. Шу жиҳатдан коррупция алоҳида фактлар ёки хатти-ҳаракатлар мажмуаси сифатида эмас, балки бутун бошли ижтимоий тизим сифатида унинг назарияси, ривожланиши ва генезиси чуқур таҳлил қилиниши лозим. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш назариясининг ривожланиши ўз-ўзидан мазкур назариянинг такомиллашуви ва унинг оқибатида қонунчиликнинг

[1] United Nations. Global anti-corruption efforts: Secretary-General’s message on International Anti-Corruption Day. – New York, 9 December 2018; The global economy loses $3.6 trillion to corruption each year, says U.N. // World Economic Forum. 2018. URL: https://www.weforum.org/agenda/2018/12/the-global-economy-loses-3-6-trillion-to-corruption-each-year-says-u-n

мустаҳкамланиши тенденциясини намоён қилади. Шу билан бирга, Transparency International ташкилотининг Коррупцияни қабул қилиш индекси (CPI) бўйича Ўзбекистон 2017 йилда 22 балл тўплаган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 33 баллгача ошган, бироқ 2024 йилда 32 балл (121-ўрин), 2025 йилда эса 31 балл (124-ўрин) билан кетма-кет пасайиш кузатилди.[1] Бу ҳолат миллий даражада коррупцияга қарши курашиш назарияси ва амалиётини илмий жиҳатдан қайта баҳолаш заруратини кўрсатади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш миллий қонунчилигини такомиллаштиришда коррупцияга қарши курашиш назарияси, ривожланиши ва генезисининг илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилиши долзарб ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2023), “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги (2017), “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги (2024) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2019), “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2020), “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2021), “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2025) фармонлари, “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2024), “Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2024), “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2025) қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

[1] Transparency International. Corruption Perceptions Index 2025. URL: https://www.transparency.org/en/cpi/2025 (мурожаат санаси: 15.02.2026); Transparency International. Corruption Perceptions Index 2023. – Berlin: Transparency International, 2024.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасининг турли жабҳалари бўйича илмий тадқиқотлар ривожланиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Жумладан, Б.Ахроров, А.Бурхонов, Р.Зуфаров, Б.Исмоилов, Е.Коленко, Г.Нурмуҳамедова, Ш.Қобилов, М.Аминжонова, Р.Мирзаев, М.Абдуллаева, З.Қўчқоров, Г.Расулова, Ф.Ғайбуллаев, У.Алоев, О.Исмоилов, Т.Кенжаев, С.Маманов, Т.Сафаров, К.Абдурахматова, М.Мухаммадиевалар томонидан коррупцияга қарши курашиш турли соҳалар нуқтаи назаридан ўрганилган. Масалан, Б.Ахроров коррупциянинг давлат бошқарувига зарарли таъсири ва унга қарши институционал тизимни мустаҳкамлаш масалаларини, А.Бурхонов коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва назарий асосларини, Р.Зуфаров коррупциянинг иқтисодий-ҳуқуқий табиатини ва унинг олдини олиш механизмларини, Б.Исмоилов коррупцияга қарши курашишда прокурор назоратининг роли ва ваколатларини, Е.Коленко коррупциянинг криминологик жиҳатларини, унинг латент хусусиятларини ва аниқлаш усулларини, Г.Нурмуҳамедова коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратининг аҳамиятини ва фуқаролик жамиятининг иштирокини, Ш.Қобилов коррупцияга қарши курашишнинг давлат сиёсати сифатидаги мазмуни ва уни амалга оширишнинг самарали шаклларини, Р.Мирзаев олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олишда хорижий тажрибани, М.Абдуллаева халқ таълими тизимида коррупциянинг олдини олишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини, З.Қўчқоров олий таълим муассасаларида коррупцияга оид хавф-хатарларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва бартараф этиш бўйича комплекс услубий ёндашувларни, Г.Расулова олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олишда Ўзбекистон ва Финляндия тажрибасини, Ф.Ғайбуллаев олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини, У.Алоев қонун ҳужжатларига нисбатан мустақил ҳуқуқий экспертиза ва регулятив таъсирни баҳолаш усулларини, О.Исмоилов коррупциявий латент жиноятларни фош этишнинг криминалистик ва тезкор-тергов усулларини, Т.Кенжаев норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан коррупцияга қарши мустақил экспертиза ўтказиш тизимини, С.Маманов комплаенс-назоратни жорий этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини, Т.Сафаров идоравий коррупцияга қарши курашиш механизмлари – ички назорат, кодекслар ва интизомий жавобгарлик тизимини, К.Абдурахматова қурилиш соҳасидаги рухсат берувчи, назорат қилувчи ва амалга оширувчи функциялар контекстида коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, М.Мухаммадиева фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишдаги ўрни ҳақида тадқиқотлар ўтказган[1].

МДҲ давлатлари миқёсида коррупциянинг криминологик жиҳатларини П.А.Кабанов, Г.А.Сатаров, М.О.Нукенов, рақамлаштириш шароитида коррупцияга қарши курашиш имкониятлари, истиқболлари ва хатарларини А.И.Овчинников, электрон ҳукумат тизимлари доирасида коррупция

[1] Ушбу олимларнинг диссертация ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

профилактикасини Ю.В.Трунцевский, И.Г.Тимошенко ва Э.В.Талапина каби олимлар тадқиқ этганлар[1].

Ривожланган хорижий давлатларда эса коррупциянинг иқтисодий ва институционал асосларини S.Rose-Ackerman ва B.J.Palifka, коррупция назариясининг генезиси ва типологиясини M.Johnston, коррупцияга қарши курашишда назорат ва ҳисобдорлик тизимини R.Klitgaard, коррупциянинг иқтисодий ўсишга таъсирини P.Mauro, коррупциянинг миқёс ва оқибатларини V.Tanzi, институционал ўзгаришлар назариясини D.North, халқаро ва миллий антикоррупция сиёсати асосларини J.Pope, қиёсий тадқиқот усулида Осиё давлатларидаги коррупцияга қарши механизмларини J.S.T.Quah, рақамли технологияларнинг коррупцияга қарши курашдаги самарасини T.B.Andersen ва M.Fazekas, давлат бошқарувида рейтинг кўрсаткичларини D.Kaufmann, A.Kraay ва M.Mastruzzi ўрганган[2].

Бироқ бугунга қадар Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш назарияси, унинг генезиси ва ривожланиш истиқболлари мавзусида назария генезисини аниқ мезонлар асосида даврлаштирган комплекс, яхлит тадқиқот амалга оширилмаган. Мазкур диссертация айнан ушбу илмий бўшлиқни тўлдиришга қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган, “Коррупция муаммолари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган (2025–2027 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш назариясининг ҳуқуқий-институционал моделини шакллантириш, унинг генезиси ва ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш, халқаро ва миллий ҳуқуқий тажрибаларни қиёслаш асосида коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коррупция тушунчасининг назарий асосларини ва унинг ҳуқуқий табиатини илмий таҳлил қилиш;

коррупцияга қарши курашиш назариясининг генезисини ёритиш ва даврлаштиришнинг аниқ мезонларини белгилаш;

халқаро ҳуқуқда коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш амалиётини баҳолаш;

коррупцияга қарши курашиш назариясининг ҳуқуқий, институционал, криминологик ва комплаенс моделлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш;

[1] Ушбу олимларнинг илмий ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.
[2] Ушбу олимларнинг илмий ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш назарияси ва амалиётининг ривожланиш босқичларини 1991–2016, 2017–2020, 2021–2024 ва 2025 йилдан ҳозиргача давр қамровида илмий тадқиқ этиш;

“коррупцияга қарши курашиш назарияси генезиси” тушунчасига муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш;

хорижий давлатларда коррупцияга қарши курашиш назарияси ва амалиётини миллий қонунчилик билан қиёслаш асосида таклифлар ишлаб чиқиш;

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳуқуқий мақоми, функционал мустақиллиги, ҳисобдорлиги ва ваколатларини такомиллаштириш истиқболини хорижий тажриба асосида ўрганиш, қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солиш, институтлар ўртасидаги ваколатлар тақсимоти ва профилактика механизмларини шакллантирувчи ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети коррупцияга қарши курашиш назариясининг ҳуқуқий-институционал модели, унинг Ўзбекистон Республикасида ривожланиш босқичлари, тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти бўйича концептуал ёндашувлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий таҳлил, таққослаш, тизимли ёндашув, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил ва илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, сўровнома ва статистик маълумотлардан фойдаланиш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритишда коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш чоғида тўлдирилган чеклист тақдим этилиши асослантирилган;

коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий сертификатлаштириш менежмент тизимини жорий этиш зарурияти асослантирилган;

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси талаблари бажарилишини мониторинг қилишга нодавлат нотижорат ташкилотларни жалб этиш зарурлиги асослантирилган;

қонунийлик, очиқлик ва шаффофлик, суғурталанган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига етказилган зарар ўрни қопланишининг кафолатланганлиги ҳамда коррупцияга йўл қўймасликни қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилишнинг асосий принциплари сифатида қонунда мустаҳкамлаш зарурлиги асослантирилган;

маҳаллий Кенгашларда давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобот (ахборот)ларини эшитишда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботи (ахбороти)ни эшитиш амалиётини жорий этиш маҳаллий даражада коррупцияга қарши курашишда ҳисобдорлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириши асослантирилган;

аҳолининг турли қатламлари, айниқса ёшлар орасида коррупцияга муросасизлик муҳитини шакллантиришда саҳна асарлари, бадиий фильмлар ва тарғибот материаллари каби бадиий-маърифий воситалардан тизимли фойдаланиш ҳуқуқий тарғиботнинг таъсирчанлигини ошириши асослантирилган;

ер майдонларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш ҳамда ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзагроинспекция” ва Кадастр агентлигининг электрон дастур ва платформаларини прокуратура органларининг электрон дастурлари билан интеграция қилиш ҳамда прокурор назоратини таъминлаш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасидаги “коррупция” тушунчасини муаллифлик таърифи билан алмаштириш бўйича қонунчиликка ўзгартириш таклифи ишлаб чиқилган;

“Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг суғурта принципларини белгиловчи 4-моддасига коррупцияга йўл қўймаслик принципини киритиш бўйича норматив таклиф ишлаб чиқилган;

қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритишда унга коррупцияга қарши экспертиза натижалари бўйича тўлдирилган чеклистни илова қилиш мажбуриятини белгиловчи қонун нормасининг мазмуни ишлаб чиқилган;

коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар режасига туркум саҳна кўринишлари, бадиий фильмлар ва тарғибот материаллари тайёрлашни аниқ тадбир сифатида киритиш таклифи ишлаб чиқилган;

ISO 37001 стандартига асосланган ҳолда давлат органлари фаолиятини баҳоловчи коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий сертификатлаштириш менежмент тизимини жорий этишга доир чора-тадбирлар режаси бандининг мазмуни ишлаб чиқилган;

маҳаллий Кенгашлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобот (ахборот)ларини эшитишни Коррупцияга қарши курашиш агентлиги вакили, ҳудуд прокурори, ички ишлар ва адлия органлари раҳбарлари ҳисоботини эшитиш шаклида ўтказиш бўйича услубий тавсия ишлаб чиқилган;

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси талаблари бажарилишини мониторинг қилишга нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини жалб қилиш ва улар томонидан муқобил баҳолаш механизмини жорий этиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

ерга оид муносабатларда коррупциявий омилларни бартараф этиш мақсадида прокуратура органларига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзагроинспекция” ва Кадастр агентлигининг электрон ахборот тизимларига тўғридан-тўғри кириш имкониятини яратиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда миллий қонунчилик нормалари, халқаро стандартлар ҳамда ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек, сўровномалар,

расмий сайтларда эълон қилинган статистик маълумотлардан фойдаланилган. Тадқиқ этилаётган муаммо бўйича 350 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар, тингловчилар ва прокуратура органлари ходимлари ўртасида сўровномалар олиб борилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган назарий ёндашув ва усулларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтганлиги, тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилганлиги ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, унда белгиланган хулосалар, тавсиялар Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш фаолиятини тизимли ва самарали ташкил этиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг юзага келиш сабабларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга доир ҳамда соҳани такомиллаштиришга қаратилган янги тадқиқотларни амалга оширишда ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш”, “Коррупциянинг олдини олиш”, “Коррупцияга қарши курашишда халқаро стандартлар” ва “Коррупция муаммолари” модулларини ўқитиш, ўқув жараёнларида маъруза, семинар ва амалий машғулотлар ўтказиш ҳамда услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан Ўзбекистон Республикаси давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда, соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда, такомиллаштиришда, қонун ижодкорлиги фаолиятида, соҳа ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтиришда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчилари, олий таълим муассасалари талабалари учун илмий ва ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритишда коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш чоғида тўлдирилган чеклист тақдим этилиши ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 10 апрелдаги “Қонунлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш ва кўриб чиқиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1054-сонли қонунининг 1-моддаси 9-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2026 йил 2 февралдаги 045-08/338-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2026 йил 3 февралдаги 3/dn-21-*

сонли далолатномалари). Ушбу таклиф қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасига киритиш жараёнида коррупциявий хавфларни олдиндан аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этишни институционал тарзда таъминлашга, шу орқали қонун ижодкорлигида шаффофлик ва масъулиятни кучайтиришга хизмат қилган;

коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий сертификатлаштириш менежмент тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 декабрдаги ПФ-270-сон Фармони билан тасдиқланган “Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилган чора-тадбирлар режаси”нинг 1-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2026 йил 2 февралдаги 045-08/338-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2026 йил 3 февралдаги 3/dn-21-сонли далолатномалари)*. Ушбу таклиф коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини самарали бошқариш, назорат ва баҳолашнинг стандартлаштирилган ва шаффоф тизимини жорий қилишга хизмат қилган;

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси талаблари бажарилишини мониторинг қилишга нодавлат нотижорат ташкилотларни жалб этиш тўғрисидаги таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-71-сонли Фармонининг 2-иловаси 33-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган *(Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2026 йил 12 июндаги 8-сонли ва Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2026 йил 2 февралдаги 045-08/338-сонли далолатномалари)*. Ушбу таклифлар коррупциянинг олдини олиш, коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этишда янги механизмларни жорий этиш ҳамда жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

қонунийлик, очиқлик ва шаффофлик, суғурталанган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига етказилган зарар ўрни қопланишининг кафолатланганлиги ҳамда коррупцияга йўл қўймасликни қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилишнинг асосий принциплари сифатида қонунда мустаҳкамлаш ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 14 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1056-сонли қонунининг 4-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг 2026 йил 2 февралдаги 04/10-10-2-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2026 йил 3 февралдаги 3/dn-21-сонли далолатномалари)*. Ушбу таклиф қишлоқ

хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тизимини қонуний, шаффоф, коррупциядан ҳоли ва фермерлар учун ишончли компенсация кафолатига эга механизм сифатида шакллантиришга хизмат қилган;

маҳаллий Кенгашларда давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобот (ахборот)ларини эшитишда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботи (ахбороти)ни эшитиш амалиётини жорий этиш маҳаллий даражада коррупцияга қарши курашишда ҳисобдорлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириши тўғрисидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2025 йил 6 майдаги КҚ-174-V-сонли Қарори билан тасдиқланган “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари учун коррупцияга қарши курашишга оид услубий тавсиялар”нинг 26-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2026 йил 2 февралдаги 045-08/338-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2026 йил 3 февралдаги 3/dn-21-сонли далолатномалари)*. Ушбу таклиф маҳаллий Кенгашларда давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги ва масъулиятини таъминлаш, коррупцияга қарши курашишда тегишли органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботини очиқ ва тўлиқ эшитиш механизмларини йўлга қўйишга хизмат қилган;

аҳолининг турли қатламлари, айниқса ёшлар орасида коррупцияга муросасизлик муҳитини шакллантиришда саҳна асарлари, бадиий фильмлар ва тарғибот материаллари каби бадиий-маърифий воситалардан тизимли фойдаланиш ҳуқуқий тарғиботнинг таъсирчанлигини ошириши ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2025 йил 27 январдаги КҚ-49-V-сонли қарори билан тасдиқланган “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш бўйича 2025 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси”нинг 10-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2026 йил 2 февралдаги 045-08/338-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2026 йил 3 февралдаги 3/dn-21-сонли далолатномалари)*. Ушбу таклиф аҳоли ва, хусусан, ёш авлод орасида коррупцияга муросасизлик қадриятларини тарғиб қилиш, ҳалоллик ва масъулият онгини шакллантиришга хизмат қилган;

ер майдонларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш ҳамда ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзагроинспекция” ва Кадастр агентлигининг электрон дастур ва платформаларини прокуратура органларининг электрон дастурлари билан интеграция қилиш ҳамда прокурор назоратини таъминлаш тўғрисидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 сентябрдаги “Ерга оид муносабатларда коррупциявий омилларни бартараф

этиш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-287-сонли Қарорининг 14-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган *(Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2026 йил 21 майдаги 27/2-195-26-сонли далолатномаси)*. Ушбу таклиф ерга оид муносабатларда коррупциявий омилларни камайтириш, давлат идораларининг ахборот тизимларини прокуратура тизимлари билан интеграциялаш ҳамда прокурор назоратининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та (3 та халқаро, 3 та республика) илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган журналларда 8 та илмий мақола, шундан 6 та миллий ва 2 та хорижий журналларда, конференция материалларида 6 та, шундан 3 та халқаро, 3 та миллий мақола ва тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўққиз параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритиб берилган.

Диссертациянинг “**Коррупцияга қарши курашишнинг назарий жиҳатлари ва унинг ривожланиш босқичлари”** деб номланган биринчи бобида коррупцияга қарши курашиш назарияси тушунчаси ва унинг вужудга келишининг тарихий босқичлари, коррупция тушунчаси ва коррупцияга қарши курашиш назариясининг ҳуқуқий табиати, коррупцияга қарши курашишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари ҳамда уларнинг коррупциянинг олдини олишдаги аҳамияти тадқиқ этилган.

Бобнинг биринчи параграфи “**Коррупцияга қарши курашиш назарияси тушунчаси ва унинг вужудга келишининг тарихий босқичлари”** деб номланиб, унда коррупцияга қарши кураш инсон цивилизациясининг энг илк даврларидан бошлаб давлат бошқарувининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келганлиги тарихий манбалар асосида очиб берилган. Хусусан, Шумер давлатларидаги Лагаш ҳукмдори Урукагина ислоҳотлари, Қадимги Бобилдаги Хаммурапи қонунлари, Қадимги Мисрда

амалдорларнинг молиявий ҳисоботлари қатъий назоратга олинганлиги, Қадимги Хитойдаги Конфуций таълимоти, Францияда қироллик маъмуриятини назорат қилувчи махсус текширувчилар (enquêteurs) институти, Англиядаги “Magna Carta”, Ислом ҳуқуқи манбалари (пора берувчи ҳам, олувчи ҳам лаънатланганлиги, пора эвазига қозиликка эришган шахснинг ҳукми ҳақиқий ҳисобланмаслиги), Геродот келтирган Камбиз II ва судья Сисамнес воқеаси ҳамда Амир Темур давлатидаги амалиёт мисолида коррупцияга қарши курашнинг тарихий илдизлари ёритилган.

Тадқиқотчи коррупцияга қарши курашиш назариясининг ривожланишини тўрт босқичга ажратади. Даврлаштириш мезони сифатида ҳар бир даврда етакчи бўлган кураш воситаси – жазо, махсус қонун ва орган, тизимли профилактика ҳамда халқаро стандарт олинган. Шунга кўра, биринчи босқич (қадимги давр – XVIII аср) – “илк тасаввурлар ва амалиётдаги кузатувлар” бўлиб, бу даврда коррупция ахлоқсизлик ва шахсий очкўзликнинг оқибати сифатида баҳоланган ва унга қарши кураш асосан айбдорларни жазолаш билан чекланган; иккинчи босқич (XIX аср – XX асрнинг ўрталари) – “ҳуқуқий ва институционал асосларни шакллантириш” босқичи бўлиб, коррупция ижтимоий муаммо сифатида қарала бошланган, илк махсус қонунлар қабул қилинган ва махсус ташкилотлар тузилган; учинчи босқич (XX асрнинг 50–80-йиллари) – “замонавий тизимли ёндашув” босқичи бўлиб, коррупцияга қарши курашга иқтисодий, сиёсий ва социологик ёндашувлар татбиқ этила бошланган; тўртинчи босқич (1990-йиллардан ҳозиргача) – “институционаллашув ва халқаро ҳамкорлик” босқичи бўлиб, халқаро конвенциялар, минтақавий дастурлар ва давлатлараро ҳамкорлик шаклларида намоён бўлмоқда. Шу асосда назария оддий жазолашдан мураккаб, интеграциялашган ва кўп жиҳатли илмий ёндашувгача эволюция йўлини босиб ўтгани асосланган.

Параграфда “коррупцияга қарши курашиш назарияси” категориясини унга яқин “коррупцияга қарши сиёсат”, “коррупцияга қарши бошқарув” ва “комплаенс назорати” тушунчаларидан фарқлаш таклиф этилган. Бунда назария – назарий-гносеологик даража сифатида коррупция ҳодисасининг умумий қонуниятларини тушунтириш, категориал аппаратни ишлаб чиқиш ва башорат қилишни; сиёсат – стратегик-норматив даража сифатида давлат ва жамиятнинг стратегик мақсадлари ҳамда устувор йўналишларини белгилашни; бошқарув – институционал-ижрочи даража сифатида белгиланган сиёсатни давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятида ижро этиш ва назорат қилишни; комплаенс назорати эса – операцион даража сифатида аниқ ташкилот доирасидаги ички процедуравий механизмлар, хатарларни баҳолаш ва профилактик мониторингни ўз ичига олган, ўзаро боғлиқ, лекин мустақил тўрт поғонали тизимни ташкил этиши асослантирилган.

Миллий тажрибада коррупцияга қарши курашиш босқичлари бўйича О.Шамсиддинова ва К.Миршаевалар томонидан таклиф этилган икки босқичли даврлаштириш (1991-2016 йиллар ва 2016 йилдан кейинги давр) ўз даври учун ўринли деб баҳоланган. Бироқ 2016 йилдан кейин амалга

оширилган ислоҳотлар кўламидан келиб чиқиб, диссертацияда қуйидаги босқичлар ажратилган: 1991-2016 йиллар – ихтисослашган бўлинмалар орқали жазолашга йўналтирилган кураш; 2017-2020 йиллар – “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун асосида тизимли ҳуқуқий базанинг шаклланиши ва 2020 йилда Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ташкил этилиши; 2021-2024 йиллар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони асосида профилактика, комплаенс ва рейтинг баҳолашга ўтиш; 2025 йилдан – манфаатлар тўқнашуви институти, ички назорат бўлинмалари мустақиллиги ва рақамли комплаенснинг жорий этилиши.

Шунингдек, қонунчиликдаги мавҳум нормалар (масалан, маънавий зарар миқдорининг қонунда аниқ белгиланмаганлиги) судларга битта қонунни турлича қўллаш имконини бериши, шу сабабли бундай нормаларни мониторинг қилиш ва аниқлаштириш зарурлиги кўрсатилган. Шундан келиб чиқиб илгари сурилган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритишда коррупцияга қарши экспертиза чеклисти тақдим этилиши тўғрисидаги таклиф 2025 йил 10 апрелдаги ЎРҚ-1054-сон Қонуннинг 1-моддаси 9-бандида ўз аксини топган. Коррупцияга оид жиноятлар асосан мансабдор шахслар томонидан содир этилишини ҳисобга олиб, бундай жиноятлар учун судланган шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг 45-моддасида назарда тутилган муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини қўшимча жазо сифатида мажбурий тайинлаш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Иккинчи параграф “**Коррупция тушунчаси ва коррупцияга қарши курашиш назариясининг ҳуқуқий табиати”** деб номланиб, унда “коррупция” атамасининг этимологияси (лотинча “corruptio” – бузиш, сотиб олиш, пора эвазига оғдириш), Қадимги Римда судда гувоҳлик бериш ва судьяга пора бериш учун пул бериш Ўн икки жадвал қонунларида коррупция сифатида акс этганлиги, шунингдек, Юридик энциклопедия, Жаҳон банки, БМТнинг 1979 йил 17 декабрдаги Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси ва Г.Блэкнинг юридик луғатидаги таърифлар қиёсий таҳлил қилинган. Шу билан бирга, А.И.Долгова, Р.А.Зуфаров, Н.Ф.Кузнецова, Л.В.Михайлов, П.А.Кабанов, Г.А.Сатаров, Ф.Тураходжаев, М.Е.Симон, А.К.Иркаходжаев, Қ.Тожибоев, К.Абдурахматова ва бошқа олимларнинг қарашлари таҳлил этилиб, И.А.Каримов томонидан берилган, коррупцияни уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш билан боғловчи таъриф коррупция ҳаракатларини тўлиқ ифодалай олмаслиги, К.Абдурахматова таърифида эса маҳаллийчилик, таниш-билишчилик ва қариндош-уруғчилик кўринишлари акс этмаганлиги ҳамда пора берувчи томон таърифдан четда қолганлиги кўрсатилган.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасидаги таърифда ҳам коррупциянинг маҳаллийчилик, таниш-билишчилик ва қариндош-уруғчилик кўринишлари ифодаланмаганлиги, пора берувчи томон эса таърифдан четда қолганлиги қайд этилиб, коррупция тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифи таклиф этилган: “Коррупция – шахснинг ўз

мансаб ёки хизмат мавқеидан, шунингдек у билан боғлиқ обрў ва имкониятлардан шахсий манфаатларини ёхуд маҳаллийчилик, таниш-билишчилик ва қариндош-уруғчилик асосида ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишдир". Таърифлар таҳлили асосида коррупциянинг тўрт белгиси ажратилган: у турлича талқин қилинадиган мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса; унинг субъектлари доираси муайян (давлат хизмати ходимлари, давлат функцияларини бажаришга ваколатли шахслар ҳамда хусусий секторда бошқарув функцияларини бажарувчи шахслар); субъектлар ўз мавқеидан хизмат манфаатлари ҳамда ҳуқуқ ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланади; бу фаолият шахсий, ўзга шахслар ёки корпоратив манфаатларда амалга оширилади.

Шунингдек, коррупция турлари учта мезон бўйича таснифланган: субъектларнинг мақомига кўра (ҳокимият органларидаги, хусусий сектордаги ва сиёсий коррупция); даражасига кўра (қуйи, юқори ва вертикал коррупция); ижтимоий хавфлилик даражасига кўра (коррупция қилмиши ва коррупция жинояти). Маиший, бизнесдаги ва ҳокимиятдаги коррупция фарқланиши, сайловчилар овозини сотиб олишнинг сиёсий коррупцияга киритилиши, шунингдек коррупциянинг пора олиш ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишдан ташқари намоён бўлиш шакллари (масалан, сохта шахслар ва қариндошлардан тижорат тузилмаларида фойдаланиш, давлат ресурслари ҳисобига корпоратив гуруҳга имтиёзлар бериш, муайян гуруҳ манфаатларини кўзлаб норматив ҳужжатлар қабул қилишни илгари суриш) таҳлил қилинган. Коррупциянинг латентлиги ва вазиятга қараб ўзгариб, мослашиб бориши унга қарши тинимсиз кураш зарурлигини асослайди.

Учинчи параграф "**Коррупцияга қарши курашишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари, уларнинг коррупциянинг олдини олишдаги аҳамияти"** деб номланиб, унда коррупцияга қарши курашиш механизмлари коррупциянинг олдини олиш, уни аниқлаш, чеклаш ва оқибатларини бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва ахборот чора-тадбирлари тизими сифатида тавсифланган. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва ноҳуқуқий воситалари, тизимли ёндашув ҳамда коррупцияга қарши сиёсат принциплари (қонунчиликка таяниш, очиқлик, ҳисобдорлик, ҳамкорлик ва жазонинг муқаррарлиги) таҳлил қилинган. Жазонинг муқаррарлиги принципидан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 214-моддаси бўйича жавобгарлик давлат органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такроран содир этилгандагина юзага келиши, пора олиш учун (210-модда) эса маъмурий преюдиция назарда тутилмаганлиги кўрсатилган. Қонунга хилоф равишда олинган моддий қимматликнинг миқдоридан қатъий назар бундай қилмиш давлат хизматига бўлган ишончга путур етказишини инобатга олиб, 214-модда биринчи қисмидаги "шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса" деган сўзларни чиқариб ташлаш ва ушбу қилмиш учун маъмурий

преюдицияни бекор қилиш таклиф этилган. Бу ўзгартириш “ноль даражали тоқатсизлик” (Zero Tolerance to Corruption) тамойилини амалда таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур параграфда 2017 йил 3 январда имзоланган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасидаги “бошқа давлат органлари” иборасида айнан қайси органлар назарда тутилганлиги мавҳумлиги қайд этилиб, уни “барча давлат органлари ўз ваколатлари доирасида” деган сўзлар билан алмаштириш таклиф этилган.

Шунингдек, БМТнинг 2003 йилги Коррупцияга қарши конвенцияси, Ўзбекистоннинг унга 2008 йил 7 июлдаги ЎРҚ-158-сон Қонун билан қўшилиши, Истанбул ҳаракат режасида иштироки ва “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуннинг аҳамияти ёритилган. Transparency International ташкилотининг Коррупцияни қабул қилиш индексида Ўзбекистон кўрсаткичи 2017 йилдаги 22 баллдан 2023 йилда 33 баллга ошган бўлса-да, 2024 йилда 32 балл, 2025 йилда 31 балл (124-ўрин) билан кетма-кет пасайганлиги кўрсатиб берилган. Бу ҳол ҳуқуқий асосларнинг такомиллашиб бориши билан бирга профилактика, очиқ маълумотлар ва фуқаролик жамияти иштирокини кучайтиришга қаратилган комплекс чоралар зарурлигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг “**Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмлари ва уларнинг замонавий тенденциялари”** деб номланган иккинчи бобида коррупцияга қарши курашиш механизмларининг ривожланиши, назария ва амалиётнинг замонавий тенденциялари ҳамда профилактика механизмларининг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи “**Коррупцияга қарши курашиш механизмларининг ривожланиши ва уларнинг коррупциянинг олдини олишдаги аҳамияти”** деб номланиб, унда мамлакатимизда 2 216 та вазирлик ва идорада “комплаенс-назорат” тизими босқичма-босқич жорий этилгани, улардан 105 тасида тўлиқ жорий этилгани, 114 та давлат идорасида 1 477 нафар штат бирлигида назорат тузилмалари ташкил этилгани, натижада 149 нафар шахсга нисбатан жиноий, 74 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий иш қўзғатилгани ва 834 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилгани таҳлил қилинган. OECD тавсиялари, Гонконг ICAC (1974) ва Жанубий Корея ACRC (2008) тажрибаси асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича ISO 37001 стандартига мувофиқ Миллий сертификатлаштириш менежмент тизимини жорий этиш зарурлиги асосланган. С.Джанков ва ҳаммуаллифларининг тадқиқотлари ҳамда электрон ҳукумат портали орқали 500 дан ортиқ хизматнинг онлайн кўрсатилиши мисолида давлат хизматларини рақамлаштиришнинг коррупцияни камайтиришдаги роли кўрсатилган. Ички назоратнинг “ўз-ўзини назорат қилиш” хусусиятига оид илмий эътирозларга жавобан ички ва ташқи назоратнинг ўзаро тўлдирувчи тарзда ишлаши зарурлиги асосланиб, айниқса таълим ва тиббиёт муассасаларида ички назоратни кучайтириш мақсадга мувофиқлиги қайд этилган.

Шунингдек, коррупциянинг янги кўриниши – Open Budget платформасида овозларни пул, товар, хизмат ёки бошқа манфаат эвазига йиғиш ҳолатлари коррупциявий омил сифатида баҳоланиб, бундай ҳаракатлар учун маъмурий, такроран ёки кўп миқдорда содир этилганда эса жиноий жавобгарлик белгилаш, овозлар сотиб олингани тасдиқланган тақдирда ғолибликни бекор қилиш ҳамда лойиҳани кейинги танловларда иштирок этиш ҳуқуқидан маълум муддатга маҳрум қилиш механизмини жорий этиш таклиф қилинган. Шунингдек, ғайритабиий кўп овозлар йиғилишини автоматик аниқлайдиган алгоритмлар, фуқаролар фото ва видеодалиллар билан хабар бера оладиган махсус мурожаат платформаси ва “Аниқ овоз – ҳалол келажак” тамойили асосидаги тушунтириш ишлари таклиф этилган. Коррупция ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишга оид “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасидаги норманинг Меҳнат кодексининг 301-моддасига киритилиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасиз тасдиқлашга йўл қўймаслик тамойилини белгилаш ва экспертизани ўтказмаган идора раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги, рейтинг баҳолашда “қониқарсиз” баҳо олган ташкилот раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлигига раҳбарларга тавсия ва огоҳлантириш чиқариш ваколатини бериш бўйича таклифлар асосланган. Коррупцияга муросасизликни шакллантиришга қаратилган тарғибот материаллари тайёрлаш таклифи Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2025 йил 27 январдаги КҚ-49-V-сонли қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасининг 10-бандида ўз аксини топган.

Иккинчи параграф “**Коррупцияга қарши курашиш назарияси ва амалиётининг замонавий тенденциялари”** деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамиятни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш ва парламент ҳамда Президент олдида ҳисобдор алоҳида орган тузиш зарурлиги қайд этилгани, 2020 йилда Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ташкил этилгани ва 2023 йилда Миллий стратегия қабул қилингани ёритилган. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасидаги “коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонунчиликка мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади” деган жумлада “бошқа давлат органлари” деганда айнан қайси органлар тушунилиши мавҳумлиги кўрсатилиб, мазкур сўзларни “барча давлат органлари ўз ваколатлари доирасида” сўзлари билан алмаштириш таклиф этилган.

Учинчи параграф “**Коррупцияга қарши курашишда профилактика механизмларининг назарий ва амалий жиҳатлари”** деб номланиб, унда С.Роуз-Акерман, Р.Клитгаард, Ж.Поуп, М.Жонстон, П.Мауро, Г.С.Беккер, Ж.С.Т.Куаҳ, Ш.Шодмонов, Б.И.Исмоилов, Ж.Р.Хасанов қарашлари, БМТнинг 2003 йилги Коррупцияга қарши конвенциясининг II бобида (5–14-моддалар) назарда тутилган профилактика чоралари ҳамда Эстония, Жанубий Корея, Финляндия, Украина (ProZorro) ва Сингапур тажрибаси ўрганилган. Профилактика механизмлари “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун мазмунидан келиб чиқиб учта гуруҳга (ҳуқуқий-меъёрий,

институционал, маъмурий-бошқарув профилактикаси) бўлиниши, амалий жиҳатдан эса бешта гуруҳда (ҳуқуқий-меъёрий; институционал; иқтисодий-тартибга солиш; маъмурий; ижтимоий-таълим) намоён бўлиши асосланган. Институционал механизмларни бирламчи деб ҳисоблайдиган қарашга нисбатан институционал ва меъёрий-ҳуқуқий механизмларнинг ўзаро боғлиқлиги далиллаб берилган.

Мазкур параграфда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан 2021-2023 йилларда 48 та давлат органида ўтказилган коррупциявий таваккалчилик мониторинги натижасида 312 та тизимли муаммо аниқлангани, 89 та давлат органига тавсиялар берилгани ва 67 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш киритилгани профилактик ёндашувнинг самарадорлигини кўрсатиши қайд этилган. Шу билан бирга, рақамли профилактиканинг уч хавфи (технократик монополия, ошкоралик ва шахсий маълумотлар ҳимояси мувозанати, рақамли имкониятга нотекис кириш) ҳамда Ўзбекистонда ахборот эркинлиги соҳасидаги чекловлар жамоатчилик назоратини чеклаши кўрсатилган. Профилактикани такомиллаштириш бўйича олтита таклиф илгари сурилган: коррупциявий таваккалчиликни баҳолашни институционаллаштириш; рақамли профилактика платформасини яратиш; жамоатчилик назоратини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва ахборот эркинлиги тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш; жазонинг муқаррарлигини таъминлаш; ёшлар ва таълим тизимида профилактик дастурларни жорий этиш; Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Президент ва Парламент олдидаги ҳисобдорлигини ҳамда функционал мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Диссертациянинг **“Коррупцияга қарши курашишнинг хорижий тажрибаси, рақамлаштириш ва миллий ҳуқуқий тизимни ривожлантириш истиқболлари”** деб номланган учинчи бобида ривожланган хорижий давлатларда коррупцияга қарши курашишга оид назарий ва амалий қарашлар, рақамлаштиришнинг коррупцияга қарши курашишдаги назарий ва амалий аҳамияти ҳамда коррупцияга қарши курашиш назарияси генезиси ва ривожланиш истиқболлари тадқиқ этилган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи “**Ривожланган хорижий давлатларда коррупцияга қарши курашишга оид назарий ва амалий қарашлар”** деб номланиб, унда АҚШ (1977 йилги FCPA, 2002 йилги Сарбейнз-Оксли акти, хабар берувчиларни рағбатлантириш дастурлари), Россия Федерацияси (2008 йил 25 декабрдаги 273-сон Федерал қонун), Сингапур (1952 йилда ташкил этилган CPIB), Гонконг (1974 йилда тузилган ICAC), Финляндия, Дания, Нидерландия, Германия, Австрия, Франция, Япония ва Грузия тажрибаси таҳлил қилинган. 2025 йилги CPI бўйича Дания 89 балл, Финляндия 88 балл, Сингапур 84 балл, Нидерландия 78 балл, Гонконг 76 балл билан юқори ўринларни эгаллагани қайд этилган. Коррупция даражаси паст бўлган мамлакатларнинг умумий хусусиятлари сифатида рақамли давлат бошқаруви, мустақил суд тизими, кучли фуқаролик жамияти, ошкора молия назорати ва мансабдор шахслар учун рақобатбардош иш ҳақи ажратиб кўрсатилган. Параграфда коррупциянинг иқтисодий, институционал

ва ижтимоий-маданий сабаблари, давлат секторидаги иш ҳақи ва давлатнинг иқтисодиётга аралашуви борасидаги илмий баҳслар ёритилиб, коррупцияга қарши курашиш институционал тизимига кенг ва тор маънода ёндашиш мумкинлиги асосланган.

Иккинчи параграф эса "**Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда рақамлаштиришнинг назарий ва амалий аҳамияти"** деб номланиб, унда рақамлаштиришнинг роли "Рақамли Ўзбекистон – 2030" ва "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси", А.И.Овчинников, Т.Андерсен, С.Рахимов, Х.Турдибоев ва бошқа олимларнинг қарашлари асосида таҳлил қилинган. Тадқиқотчи рақамлаштиришнинг етти моделини (ошкоралик, тескари алоқа, ҳужжат айланувининг очиқлиги, рақамли мувофиқлик, қарор қабул қилишни автоматлаштириш, тўғридан-тўғри кириш ва молиявий мониторинг моделлари) ажратади. Россия Федерациясининг 2012 йил 3 декабрдаги "Давлат лавозимларини эгаллаган шахслар ва бошқа шахсларнинг харажатлари уларнинг даромадларига мувофиқлигини назорат қилиш тўғрисида"ги Федерал қонуни, Украинадаги онлайн декларация тизими, хабар берувчиларни ҳимоя қилиш механизмлари ва Буюк Британиядаги "ноқонуний бойлик" ордери (UWO) ўрганилиб, "Давлат хизматчиларининг мулкий манфаатлари ошкоралигини таъминлаш ва коррупциядан жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган (диссертация иловаси).

Оила кодекси ва Уй-жой кодексида "оила аъзолари" тушунчасига турлича ёндашилганлиги таҳлил этилиб, мансабдор шахсларнинг даромад ва харажатларини мониторинг қилиш мақсадида ушбу тушунчани декларациялаш тўғрисидаги махсус қонунда "мансабдор шахснинг турмуш ўртоғи, вояга етмаган болалари, шунингдек у билан доимий бирга яшаб, умумий хўжалик юритаётган шахслар" сифатида белгилаш таклиф этилган. Декларацияда била туриб ёлғон маълумот кўрсатиш ёки маълумотни яшириш учун аввал маъмурий, такроран содир этилганда эса жиноий жавобгарлик белгиланиши пропорционаллик ва дифференциация тамойилларини таъминлаши асосланган. Параграфда, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича Президент фармонида назарда тутилган "Рақамли комплаенс" ахборот-дастурий комплексининг 2026 йил 1 июлдан синов тариқасида ишга туширилиши, Агентликка мажбурий кўрсатмалар киритиш ҳуқуқи берилиши ҳамда хабар берувчилар учун махсус ҳимоя ордери жорий этилиши ёритилган. "Рақамли прокуратура – 2030" стратегияси доирасида ерга оид муносабатларда коррупциявий омилларни бартараф этиш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, "Ўзагроинспекция" ва Кадастр агентлиги ахборот тизимларини прокуратура органларининг электрон дастурлари билан интеграция қилиш таклифи асосланган ва у Президентнинг 2025 йил 18 сентябрдаги ПҚ-287-сон Қарори 14-бандида ўз аксини топган.

Учинчи параграф "**Коррупцияга қарши курашиш назарияси генезиси ва ривожланиш истиқболлари"** деб номланиб, унда "генезис" тушунчасининг мазмуни очиб берилиб, коррупцияга қарши курашиш

назарияси генезисига муаллифлик таърифи берилган. Генезис олти даврга – антик давр (милоддан аввалги III минг йилликдан милодий V асргача), ўрта асрлар (V–XV асрлар), XVI–XIX асрлар, XX аср, халқаро ҳуқуқий тизимнинг ривожланиши (1990-йиллардан ҳозиргача) ва 1991 йилдан бошланган миллий тизимли ривожланиш даврига ажратилиб, улар биринчи бобда асосланган тўрт босқич билан мувофиқлаштирилган. Каутильянинг "Артхашастра"си, Ману қонунлари, Хаммурапи қонунлари, Рим ҳуқуқидаги "repetundarum", ўрта асрлардаги симония, Маърифатпарварлик ғоялари (Монтескё, Руссо) ва парламент назорати тизимларининг шаклланиши, омбудсман ва аудит хизматларининг таъсис этилиши, UNCAC (2003), OECDнинг 1997 йилги Конвенцияси ва GRECO (1999) халқаро стандартларни белгилагани таҳлил қилинган.

Ушбу параграфда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил декабрдаги Мурожаатномасида 2026 йилнинг коррупцияга қарши курашда ҳақиқий стратегик йил сифатида белгиланиши, барча давлат идораларида комплаенс ва ички назорат бўйича масъул ўринбосар лавозимининг жорий этилиши, Президент администрацияси комплаенс хизматининг ишга туширилиши таҳлил қилинган. Коррупциянинг вужудга келишига сабаб бўлувчи омиллар – очиқликнинг етарли эмаслиги, фуқаролик жамияти иштирокининг етишмаслиги ва жазосиз қолиш ҳисси аниқланган. Нидерландия ва Сингапур тажрибаси (коррупция учун давлат хизматида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, жазолар ҳақида ОАВда мунтазам ахборот бериш, ички хавфсизлик тизими, тергов бюроси ваколатлари) асосида жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, коррупция жиноятларини содир этган шахсларни муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш амалиётини кенгайтириш ҳамда коррупциявий ҳаракат оқибатларини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш юзасидан таклифлар илгари сурилган. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш истиқболлари ҳуқуқий базани такомиллаштириш, электрон давлатни кенгайтириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда миллий ва халқаро ҳамкорлик йўналишларида белгиланган.

ХУЛОСА

"Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш назарияси: генезиси ва ривожланиш истиқболлари" мавзусини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосалар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий хулосалар

1. Коррупция тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: "Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан, шунингдек у билан боғлиқ обрў ва имкониятлардан шахсий манфаатларини ёхуд маҳаллийчилик, таниш-билишчилик ва қариндош-уруғчилик асосида ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай

нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишдир”. Амалдаги таърифда коррупциянинг маҳаллийчилик, таниш-билишчилик ва қариндош-уруғчилик кўринишлари ифодаланмаган ва пора берувчи томон таърифдан четда қолган.

2. Коррупцияга қарши курашиш назарияси генезисига қуйидаги таъриф берилди: “Коррупцияга қарши курашиш назарияси генезиси – давлат ҳокимияти ва жамият томонидан коррупция ҳодисасини англашнинг, унга қарши ҳуқуқий, институционал ва ижтимоий механизмларни ишлаб чиқишнинг тарихий жараёнидир. Мазкур жараён ибтидоий ижтимоий меъёрлардан тортиб халқаро ҳуқуқий стандартлар ва миллий антикоррупция тизимларигача бўлган тараққиёт йўлини қамраб олади”.

3. Коррупцияга қарши курашиш назариясини такомиллаштиришда инсоннинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш энг муҳим масала ҳисобланади: ҳалоллик, адолат ва масъулиятга асосланган жамият маданиятини шакллантирмасдан туриб, фақат жазо механизмлари орқали коррупцияни бартараф этиш мумкин эмас. Шу сабабли коррупция жиноятлари учун жавобгарлик ва унинг оқибатларини тарғиб қилувчи махсус гуруҳлар ташкил этиш ҳамда доимий ҳаракатланувчи режалар асосида тарғибот ишларини нафақат ташкилотларда, балки аҳоли ўртасида ҳам мунтазам ўтказиш лозим. Тарғибот тадбирларида коррупция жинояти учун жазони ўтаётган шахсларнинг ҳаёти ҳақидаги маънавий роликлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

4. Коррупцияга қарши курашиш назарияси оддий жазолаш амалиётидан мураккаб, интеграциялашган ва кўп жиҳатли илмий ёндашувгача эволюция жараёнини босиб ўтган; бу жараён Хаммурапи қонунларидан БМТнинг 2003 йилги Коррупцияга қарши конвенциясигача бўлган даврни қамраб олади ва назария ривожланишининг тўрт босқичини (илк тасаввурлар; ҳуқуқий ва институционал асосларни шакллантириш; замонавий тизимли ёндашув; институционаллашув ва халқаро ҳамкорлик) ажратиш имконини беради.

5. Миллий тажрибада 1991-2016 йилларни биринчи институционал босқич, 2017 йилдан ҳозиргача бўлган даврни иккинчи институционал ислоҳотлар босқичи сифатида белгилаш мумкин; бироқ коррупцияга қарши курашиш назарияси ва ҳуқуқий асосларининг ривожланишида 2017–2020, 2021–2024 йиллар ва 2025 йилдан ҳозиргача бўлган даврларни алоҳида ажратиш зарур.

6. Профилактика механизмлари “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун мазмунидан келиб чиқиб учта асосий гуруҳга (ҳуқуқий-меъёрий, институционал, маъмурий-бошқарув профилактикаси) бўлинади; амалий жиҳатдан эса улар беш гуруҳда (ҳуқуқий-меъёрий, институционал, иқтисодий-тартибга солиш, маъмурий, ижтимоий-таълим) намоён бўлади.

7. Рақамлаштириш инсон омилини камайтириш орқали коррупция хавфини пасайтирувчи замонавий ва самарали восита эканлиги исботланди. Эстония, Жанубий Корея ва Украина тажрибаси электрон ҳукумат тизимлари коррупциявий имкониятларни тубдан чеклашини кўрсатади. Шу билан бирга, рақамли тизимларнинг ўзи ҳам суиистеъмол қилиниши мумкинлиги инобатга

олиниб, технократик монополия, шахсий маълумотлар ҳимояси ва рақамли имкониятга нотекис киришга оид хавфларни ҳисобга олиш зарур.

8. Ўзбекистонда мансабдор шахсларнинг даромадлари ва харажатларини мониторинг қилишни тартибга солувчи алоҳида қонун мавжуд эмас. Россия Федерациясининг 2012 йилги тегишли Федерал қонуни, Украинанинг онлайн декларация тизими, хабар берувчиларни ҳимоя қилиш қонунлари ва Буюк Британиянинг “ноқонуний бойлик” ордерини ўрганиш асосида ушбу механизмлар ягона мажмуа сифатида таклиф этилаётган “Давлат хизматчиларининг мулкий манфаатлари ошкоралигини таъминлаш ва коррупциядан жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилиши зарурлиги асослантирилди.

9. Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишда оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг фаол иштироки ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Давлат идораларининг ёпиқлиги, фуқаролик жамияти иштирокининг етишмаслиги ва жазосиз қолиш ҳисси коррупциянинг вужудга келишига имкон берувчи асосий омиллар эканлиги аниқланди. Жамиятда “коррупцияга йўл қўйиш – уят” меъёрини сингдириш ҳуқуқий-маданий ислоҳотнинг узоқ муддатли, аммо энг барқарор натижасидир.

10. Коррупцияга оид жиноятлар учун судланган шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг 45-моддасида назарда тутилган муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини қўшимча жазо сифатида мажбурий тайинлаш мақсадга мувофиқ. Олий маълумот тўғрисидаги дипломни бекор қилиш эса ҳуқуқий асосга эга эмас, чунки диплом жазо предмети бўлмай, таълим олинганлик фактини тасдиқлайди.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга оид таклифлар

11. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасидаги “коррупция” тушунчасини 1-бандда келтирилган муаллифлик таърифи билан алмаштириш;

12. Мазкур Қонуннинг 7-моддасидаги “коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонунчиликка мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади” жумласидаги “бошқа давлат органлари” сўзларини “барча давлат органлари ўз ваколатлари доирасида” сўзлари билан алмаштириш. Зеро, коррупцияга қарши курашишни фақат айрим давлат ташкилотларигина эмас, балки барча давлат ташкилотлари амалга оширгандагина юқори натижага эришиш мумкин;

13. Мазкур Қонуннинг 28-моддасида “Ўзи меҳнат фаолиятини олиб бораётган давлат органида коррупцияга оид жиноят тўғрисида асосли хабар берган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигини олдиндан хабардор этмаган ҳолда икки йил давомида интизомий жазо чораларини қўллашга йўл қўйилмайди” деган норма мавжуд. Интизомий жазони қўллашга оид барча нормалар Меҳнат кодексида мустаҳкамлангани сабабли иш берувчилар бу нормани ҳар доим ҳам инобатга

олмайди. Шу сабабли уни Меҳнат кодексининг 301-моддасига тўртинчи хатбоши сифатида киритиш;

14. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга коррупциявий таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этишнинг тизимли чоралари, профилактика тузилмаларининг ваколатлари ва ҳисобдорлик тартибини белгиловчи “Коррупцияга қарши курашишда профилактика механизмлари” бобини киритиш;

15. “Давлат хизматчиларининг мулкий манфаатлари ошкоралигини таъминлаш ва коррупциядан жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш ва унда мансабдор шахс харажатларининг даромадларига мувофиқлигини назорат қилиш механизмини, шунингдек декларация қамраб оладиган оила аъзолари доирасини (турмуш ўртоғи, вояга етмаган болалари ҳамда бирга яшаб, умумий хўжалик юритувчи шахслар) белгилаш;

16. Мол-мулкни декларация қилишда била туриб нотўғри маълумот бергани учун жавобгарликни белгиловчи нормалар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, Жиноят кодексининг XV бобини қуйидаги мазмундаги янги модда билан тўлдириш:

“214[1]-модда. Мансабдор шахснинг даромадлари ва мол-мулки (харажатлари) тўғрисидаги декларацияда била туриб ёлғон маълумотларни кўрсатиши ёки декларация қилиниши лозим бўлган ахборотни яшириши

Мансабдор шахснинг қонунчиликка мувофиқ тақдим этилиши шарт бўлган даромадлари, мол-мулки, мулкий мажбуриятлари ёки йирик харажатлари тўғрисидаги декларацияда қасддан ёлғон маълумотларни кўрсатиши ёки декларация қилиниши лозим бўлган ахборотни яшириши, бундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

- базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) жуда кўп миқдордаги мол-мулк ёки даромадни яшириш билан боғлиқ бўлса;

б) такроран содир этилган бўлса;

в) оғир оқибатларга сабаб бўлган бўлса,

- уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ҳамда уч йилгача муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан жазоланади”;

17. Жиноят кодексининг 214-моддаси биринчи қисмидаги “шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса” деган сўзларни чиқариб ташлаш ва мазкур қилмиш учун маъмурий преюдицияни бекор қилиш. Хизматчи томонидан қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиниши ёки мулкий манфаатдор бўлиши коррупцияга

оид хавфли қилмишлардан бири бўлиб, уни биринчи марта содир этилганда фақат маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳолаш “муросасизлик” тамойилига тўлиқ мос келмайди;

18. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни қуйидаги мазмундаги модда билан тўлдириш:

“175[9]-модда. Мансабдор шахснинг декларацияда ёлғон маълумот кўрсатиши ёки ахборотни яшириши

Мансабдор шахснинг даромадлари, мол-мулки, мулкий мажбуриятлари ёки харажатлари тўғрисидаги декларацияда била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни кўрсатиши ёки декларация қилиниши лозим бўлган маълумотларни яшириши

- базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”;

19. Меҳнат кодексининг 25-моддасини “коррупция содир этилган ҳар бир ҳолат бўйича тегишли органларга хабар бериши шарт” мазмунидаги 21-банд билан тўлдириш. Бу жазонинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади;

20. Мансабдор шахсларнинг мол-мулки ва даромадларини мониторинг қилиш мақсадида “оила аъзолари” тушунчасини декларациялаш тўғрисидаги махсус қонунда “мансабдор шахснинг турмуш ўртоғи, вояга етмаган болалари, шунингдек у билан доимий бирга яшаб, умумий хўжалик юритаётган шахслар” сифатида белгилаш, чунки Уй-жой кодексидаги таъриф уй-жой муносабатлари мақсадида белгиланган бўлиб, уни ушбу мақсадда қўллаб бўлмайди.

III. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар

21. Барча турдаги давлат ташкилотларида, хусусан, таълим ва тиббиёт муассасаларида ички назорат тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш ва кучайтириш, бу соҳаларда соҳавий “комплаенс-дастур”ларни жорий этиш. Жанубий Корея ва Сингапур тажрибаси тармоққа хос комплаенс дастурлари умумий ёндашувдан анча самаралироқ эканлигини кўрсатади;

22. Ички назорат тузилмалари томонидан назорат тадбирларининг мунтазам ўтказилишини таъминлаш, одоб-ахлоқ комиссиялари фаолиятини кучайтириш, ички назорат ходимларига қўшимча вазифалар юклатилишининг олдини олиш ва коррупция ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш тизими бўйича тарғибот ишларини фаоллаштириш;

23. Аҳолининг барча қатламларида коррупцияга муросасизликни шакллантиришга, ёш авлод онгига ҳалоллик қадриятларини сингдиришга қаратилган туркум саҳна кўринишлари, бадиий фильмлар ва тарғибот материаллари тайёрлаш; умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида антикоррупцион маданиятни шакллантириш курсларини жорий этиш;

24. Open Budget доирасида овоз сотиб олиш ва сотишга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини белгилаш (маъмурий жавобгарлик, такроран ёки кўп миқдорда содир этилганда эса жиноий жавобгарлик, ғолибликни бекор

қилиш), назорат механизмларини кучайтириш ва рақамли мониторингни жорий этиш орқали мазкур коррупциявий омилга барҳам бериш;

25. Коррупция учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш. Жазонинг муқаррарлиги жазо оғирлигидан кўра профилактика самарасига кўпроқ таъсир этиши илмий жиҳатдан исботланган. Шу сабабли коррупциявий ҳаракатнинг оқибатларини муҳокама қилиш ва коррупцияни содир қилган шахсларга нисбатан қўлланилган жазолар ҳақида оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда маълумот бериб бориш коррупциянинг олдини олишнинг асосий омили сифатида эътироф этилиши лозим;

26. Маҳаллий Кенгаш томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобот (ахборот)ларини эшитишни Коррупцияга қарши курашиш агентлиги вакили, тегишли ҳудуд прокурори, ҳудудий ички ишлар ва адлия органлари раҳбарлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ҳудудий бўлинмаси вакилларининг ҳисоботини эшитиш шаклида амалга ошириш;

27. Коррупцияга қарши конвенция талаблари бажарилишини мониторинг қилишга нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини жалб қилиш, улар томонидан муқобил баҳолаш механизмларини жорий этиш ҳамда фуқаролик жамиятининг давлат органлари фаолияти устидан мустақил назорат ўрнатиш имкониятини таъминлаш учун ахборот эркинлигига доир қонунчиликни такомиллаштириш;

28. Жиноят-процессуал кодексига тегишли ўзгартишлар киритиб, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига коррупция ҳаракатлари аниқланган тақдирда жиноят ишини қўзғатиш ва уни тергов қилиш учун тегишли органга юбориш ваколатини бериш;

29. Давлат органлари фаолиятини халқаро ISO 37001 стандартига мувофиқ баҳолашга асосланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий сертификатлаштириш менежмент тизимини жорий этиш. Бу тизим коррупцияга қарши курашиш сиёсатини самарали бошқариш, назорат ва баҳолашнинг стандартлаштирилган ва шаффоф тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ПРАВООХРАНИТЕЛЬНАЯ АКАДЕМИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ДЖАЛИЛОВ МУМИНЖОН СОЛИЖОН УГЛИ

ТЕОРИЯ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ГЕНЕЗИС И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

12.00.12 – Проблемы коррупции (юридические науки)

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по юридическим наукам

Ташкент – 2026

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Академии наук Республики Узбекистан за B2023.1.PhD/Yu997.

Диссертация выполнена в Правоохранительной академии Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.proacademy.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Аминжонова Матлуба Ахмедовна** доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Ахроров Бахром Джаббарович** доктор юридических наук, профессор
	Маманов Сардор Собир угли доктор философии по юридическим наукам (PhD)
Ведущая организация:	**Наманганский государственный университет**

Защита диссертации состоится 01 декабря 2026 года в 16:00 на заседании Научного совета DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 по присуждению учёных степеней при Правоохранительной академии Республики Узбекистан (Адрес: 100047, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Рихсилий, 9. Тел.: (99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Правоохранительной академии Республики Узбекистан (зарегистрирована за № 113). (Адрес: 100047, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Рихсилий, 9. Тел.: (99871) 202-04-96).

Автореферат диссертации разослан 18 ноября 2026 года.
(протокол реестра № 32 от 18 ноября 2026 года).

В.Каримов
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор юридических наук, профессор

Ш.И.Шайзаков
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по юридическим наукам, доцент

Г.М.Шодиев
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор юридических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Всестороннее научное исследование сущности коррупции в мире, причин её возникновения, процесса формирования, эволюции и систематического воспроизводства, а также анализ её различных форм являются важной научной проблемой. Очевидно, что проявление коррупции в жизни общества снижает ценность и действенность законов, подрывает доверие граждан к государственным и правовым институтам и усиливает в обществе чувство социальной несправедливости. Это приводит к перераспределению общественных благ в интересах определённых групп и, по нашему мнению, может порождать в сознании членов общества «двойные стандарты» или когнитивный диссонанс. Согласно заявлению Генерального секретаря ООН от 9 декабря 2018 года, ежегодный ущерб от коррупции в мировом масштабе составляет 3,6 триллиона долларов США, что свидетельствует о необходимости комплексного подхода к противодействию ей[1]. Это обусловливает актуальность проведения широкомасштабных исследований в сфере противодействия коррупции.

Изучение теории и практики противодействия коррупции в мире выступает неотъемлемой частью современного государственного управления, правовых реформ и общественного прогресса. Данная теория предполагает изучение правовых, институциональных и нравственных механизмов, направленных на противодействие использованию должностными лицами своих полномочий в личных целях. В условиях современной глобализации коррупция представляет серьёзную угрозу не только для национальных государств, но и для международного сообщества. Теория противодействия коррупции также обновляется и развивается в соответствии с современными тенденциями.

В Узбекистане после обретения независимости противодействие коррупции было возведено в ранг государственной политики, проведён ряд правовых и институциональных реформ. Коррупция является одним из наиболее тяжёлых социальных пороков, дестабилизирующих государственное управление и развитие общества. Её корни органически связаны с такими негативными человеческими качествами, как стремление к личной выгоде и злоупотребление властью.

В современных условиях глобализации коррупция проявляется не только как локальная, но и как транснациональная угроза. В этой связи коррупцию необходимо рассматривать не как совокупность отдельных фактов или действий, а как целостную социальную систему, глубоко анализируя её теорию, развитие и генезис. Развитие теории противодействия коррупции в Республике Узбекистан само по себе отражает тенденцию к совершенствованию данной теории и, как следствие, к укреплению

[1] United Nations. Global anti-corruption efforts: Secretary-General’s message on International Anti-Corruption Day. – New York, 9 December 2018; The global economy loses $3.6 trillion to corruption each year, says U.N. // World Economic Forum. 2018. URL: https://www.weforum.org/agenda/2018/12/the-global-economy-loses-3-6-trillion-to-corruption-each-year-says-u-n

законодательства. Вместе с тем, согласно Индексу восприятия коррупции (CPI) Transparency International, Узбекистан в 2017 году набрал 22 балла, к 2023 году этот показатель вырос до 33 баллов, однако затем последовательно снижался: 32 балла (121-е место) в 2024 году и 31 балл (124-е место) в 2025 году.[1] Это обстоятельство свидетельствует о необходимости научной переоценки теории и практики противодействия коррупции на национальном уровне. В этой связи научное и практическое исследование теории, развития и генезиса противодействия коррупции в целях совершенствования национального антикоррупционного законодательства Республики Узбекистан является актуальным.

Настоящее диссертационное исследование в определённой мере служит выполнению задач, определённых в Конституции Республики Узбекистан (принята на референдуме 30 апреля 2023 года), законах «О противодействии коррупции» (от 3 января 2017 года № ЗРУ-419), «О конфликте интересов» (от 5 июня 2024 года № ЗРУ-931), указах Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан» (от 27 мая 2019 года № УП-5729), «О дополнительных мерах по совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан» (от 29 июня 2020 года № УП-6013), «О мерах по созданию среды нетерпимого отношения к коррупции, резкому сокращению коррупционных факторов в государственном и общественном управлении и расширению в этом участия общественности» (от 6 июля 2021 года № УП-6257), «О мерах по эффективной организации исполнения приоритетных задач, определённых по дальнейшему совершенствованию системы противодействия коррупции» (от 21 апреля 2025 года № УП-71), постановлениях «О мерах по внедрению системы непрерывного повышения знаний населения и государственных служащих в сфере противодействия коррупции» (от 21 июня 2024 года № ПП-228), «О мерах по эффективной организации исполнения Закона Республики Узбекистан „О конфликте интересов“» (от 5 июня 2024 года № ПП-210), «О мерах по обеспечению независимости и повышению эффективности деятельности подразделений внутреннего антикоррупционного контроля государственных органов и организаций» (от 21 апреля 2025 года № ПП-147), а также в других нормативно-правовых актах в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

[1] Transparency International. Corruption Perceptions Index 2025. URL: https://www.transparency.org/en/cpi/2025 (дата обращения: 15.02.2026); Transparency International. Corruption Perceptions Index 2023. – Berlin: Transparency International, 2024.

Степень изученности проблемы. В Республике Узбекистан можно наблюдать развитие научных исследований по различным аспектам сферы противодействия коррупции.

В частности, противодействие коррупции с позиций различных сфер изучали Б.Ахроров, А.Бурхонов, Р.Зуфаров, Б.Исмоилов, Е.Коленко, Г.Нурмухамедова, Ш.Кабилов, М.Аминжонова, Р.Мирзаев, М.Абдуллаева, З.Кучкаров, Г.Расулова, Ф.Гайбуллаев, У.Алоев, О.Исмоилов, Т.Кенжаев, С.Маманов, Т.Сафаров, К.Абдурахматова и М.Мухаммадиева. Так, Б.Ахроров исследовал вредное влияние коррупции на государственное управление и вопросы укрепления институциональной системы противодействия ей, А.Бурхонов – правовые и теоретические основы противодействия коррупции, Р.Зуфаров – экономико-правовую природу коррупции и механизмы её предупреждения, Б.Исмоилов – роль и полномочия прокурорского надзора в противодействии коррупции, Е.Коленко – криминологические аспекты коррупции, её латентные свойства и методы выявления, Г.Нурмухамедова – значение общественного контроля и участия гражданского общества в противодействии коррупции, Ш.Кабилов – содержание противодействия коррупции как государственной политики и эффективные формы её реализации, Р.Мирзаев – зарубежный опыт предупреждения коррупции в сфере высшего образования, М.Абдуллаева – организационные и правовые основы предупреждения коррупции в системе народного образования, З.Кучкаров – комплексные методические подходы к выявлению, оценке и устранению коррупционных рисков в высших учебных заведениях, Г.Расулова – опыт Узбекистана и Финляндии в предупреждении коррупции в сфере высшего образования, Ф.Гайбуллаев – правовые основы противодействия коррупции в системе высшего образования, У.Алоев – методы независимой правовой экспертизы законодательных актов и оценки регулирующего воздействия, О.Исмоилов – криминалистические и оперативно-следственные методы раскрытия латентных коррупционных преступлений, Т.Кенжаев – систему проведения независимой антикоррупционной экспертизы нормативно-правовых актов, С.Маманов – правовые и организационные основы внедрения комплаенс-контроля, Т.Сафаров – механизмы противодействия ведомственной коррупции: внутренний контроль, кодексы и систему дисциплинарной ответственности, К.Абдурахматова – организационно-правовые основы противодействия коррупции в контексте разрешительных, контрольных и исполнительных функций в сфере строительства, М.Мухаммадиева – роль институтов гражданского общества в противодействии коррупции[1].

В масштабе государств СНГ криминологические аспекты коррупции исследовали П.А.Кабанов, Г.А.Сатаров, М.О.Нукенов, возможности, перспективы и риски противодействия коррупции в условиях цифровизации –

[1] Диссертационные работы данных учёных приведены в списке использованной литературы.

А.И.Овчинников, профилактику коррупции в рамках систем электронного правительства – Ю.В.Трунцевский, И.Г.Тимошенко и Э.В.Талапина[1].

